

## АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИДА БОРЛИҚНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11669040>

**Норов Тожи Омонович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси в.б. профессори  
фалсафа фанлари доктори

### АННОТАЦИЯ

*Мазкур мақола улуғ мутафаккир, ўзбек мумтоз тили ва адабиёти асосчиси, йирик файласуф Амир Алишер Низомиддин Навоининг фалсафий қарашлари таҳлилига бағишиланган. Таъкидлаш керакки, мутафаккир мероси ҳали ўзи тириклик пайтидан бошлиб катта қизиқиши билан ўрганилган бўлиб, кейинчалик, унинг ижоди қўпроқ бадиий ижод, адабиёт, адабиёт тарихи, лирик маҳорат, ижтимоий-сиёсий фаолияти, матнишунослик, манбаъшунослик соҳалари бўйича тадқиқ этилган. Афсуски, мутафаккирнинг фалсафий, хусусан борлиқка оид қарашлари гарчи, билвосита тасаввуф адабиёти ёки шеърияти мисолида қисман эътибор қаратиб кетилган бўлсада, бевосита фалсафий таҳлил ва тадқиқ қилинмаган. Мақолада Навоининг борлиқка оид қарашлари тадқиқ этилиб, маълум хулосалар қилинди.*

**Калим сўзлар:** Алишер Навоий, фалсафа, борлиқ, фалсафага оид истилоҳлар, фазо, вақт, моддий борлиқ, номоддий борлиқ, ислом фалсафасида борлиқ, тасаввуф фалсафаси, ваҳдат ул-вужуд.

## ФИЛОСОФСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ БЫТИЯ В НАСЛЕДИИ АЛИШЕРА НАВОЯ

**Таджи Омонович Норов**

доктор философских наук.

и.о.проф. кафедры “Социальных наук”

Ташкентского государственного экономического университета

### АННОТАЦИЯ

*Данная статья посвящена анализу философских взглядов великого мыслителя, основоположника классического узбекского языка и литературы, великого философа Амира Алишера Низамиддина Навои. Следует отметить,*

что наследие мыслителя изучалось с большим интересом еще при его жизни, а в дальнейшем его творчество исследовалось больше в области художественного творчества, литературы, истории литературы, лирического мастерства, общественно-политической деятельности, текстоведение, источниковедение. К сожалению, философские взгляды мыслителя, в частности относительно бытия, не были непосредственно философски проанализированы и исследованы, хотя косвенно на них и обращалось внимание на примере суфийской литературы или поэзии. В статье изучены взгляды Навои на существование и сделаны определенные выводы.

**Ключевые слова:** Алишер Навои, философия, существование, философские термины, пространство, время, материальное существование, нематериальное существование, существование в исламской философии, философия суфизма, wahdat ul-wujud.

## PHILOSOPHICAL INTERPRETATION OF EXISTENCE IN THE HERITAGE OF ALISHER NAVOY

Norov Taji

Tashkent State Economic University

Professor of department “Social sciences”

Doctor of Philosophy,

### ANNOTATION

*This article is devoted to the analysis of the philosophical views of the great thinker, the founder of the classical Uzbek language and literature, the great philosopher Amir Alisher Nizamiddin Navoi. It should be noted that the legacy of the thinker was studied with great interest from the time he was alive, and later, his work was researched more in the fields of artistic creation, literature, literary history, lyrical skill, socio-political activity, textual studies, source studies. Unfortunately, the thinker's philosophical views, in particular regarding existence, were not directly philosophically analyzed and researched, even though they were indirectly paid attention to in the example of Sufism literature or poetry. In the article, Navoi's views on existence were studied and certain conclusions were drawn.*

**Key words:** Alisher Navoi, philosophy, existence, philosophical terms, space, time, material existence, immaterial existence, existence in Islamic philosophy, Sufism philosophy, wahdat ul-wujud.

### КИРИШ

Борлиқни англаш ва уни танқидий таҳлил қилиш жаҳон фалсафаси тарихидаги асосий мавзуу ва муаммо ҳисобланади. Борлиқ муаммоси – унинг

илохий талқини динда бир қанча мазҳаб ва оқимларга бўлинишга, дунёвий талқини ҳам кучли ижтимоий зиддиятлар ва бўлинишларга, фалсафанинг онтологик илмий талқинида ҳам бир қанча фалсафий ва илмий-назарий мактаблар ва оқимларни пайдо бўлишига сабаб бўлган ва бу диалектик мунозара давом этмоқда.

Коинот, олам, борлиқ билан боғлиқ мавзу жаҳон фалсафаси тарихида ўзининг салмоқли ўрни ва мақомига эга улуғ мутафаккир, ўзбек мумтоз адабий тилининг асосчиси, йирик давлат ва жамоат арбоби – Амир Алишер Низомиддин Навоий (1441-1501) асарларида ҳам ўзига хос тарзда чуқур тадқиқ ва таҳлил қилинган. Назаримизда, мутафаккирнинг фалсафий онтологияга оид қарашлари тадқиқотлар доирасидан четда қолиб келаётган эди. Навоий онтологик фалсафаси, фалсафий тафаккур таълимотлари билан айрим масалаларда умумийлик касб этсада, лекин, Навоийга хос оригинал ёндошувлар борки, бундай фалсафий қарашлар чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришини ва аниқ илмий-фалсафий хулосалар чиқаришни талаб ва тақазо қиласди. Ана шу жиҳатларни тадқиқ қилиш мавзунинг долзарблигини англаатади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Улуғ мутафаккирнинг ҳаётий ва ижодий фаолияти ҳали ўзи ҳаётлик пайтидаёқ катта эътибор ва эътироф билан ўрганила бошланган. Жумладан, Султон Ҳусайн Бойқаро, Абдураҳмон Жомий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий, Содиқбек Содиқий, Абдураззоқ Самарқандий, Фасиҳ Ҳавофий, Муйиниддин Исфизорий каби муаллифларни санаб ўтиш мумкин. Навоий ҳаёти ва ижоди, у ҳақда ёзилган юқоридаги тарихий қийматдаги асарлар кейинчалик йирик шарқшунос, навоийшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Жумладан, В.Абдуллаев, А.Абдуқодиров, С.Айний, Ҳ.Алиқулов, Т.Аҳмедов, С.Каримов, Н.Комилов, Н.Маллаев, М.Муҳиддинов, И.Мўминов, М.Т.Ойбек, С.Олимов, М.Орипов, А.Рустамов, А.А.Семёнов, Ў.Сулаймон, И.Султонов, М.Хайруллаев, П.Шамсиев, Ш.Шомуҳамедов, Б.Эралиев, Қ.Эргашев, С.Эркинов, А.Қаюмов, М.Қўшжонов, С.Ғаниева, А.Ҳайитметов, И.Ҳаққулов, А.Эркинов[35.7-8] бошқа олимларимиз тадқиқотларини келтириб ўтиш мумкин. Мамлакатимизда Навоий адабий меросига фалсафий ёндашув масаласида **Ш.Сирожиддиновнинг** тадқиқотларини келтириб ўтишимиз мумкин. Олимнинг тадқиқотлари мутафаккир ҳақидаги бирламчи, ишончли манбаларга асосланганлиги, шунингдек, унинг ижтимоий-ахлоқий ва айнан фалсафий жиҳатлари чуқур таҳлил қилинганлиги билан ажralиб туради.

Шунингдек, Алишер Навоий асарларидаги замон ва макон масалалари бадиий баёнларидаги тарихий ва *хронотоп хусусиятлари* ҳамда фалсафий жиҳатларига У.Жўрақуловнинг тадқиқотларида ҳам ургу берилган.

## НАТИЖАЛАР

Алишер Навоий фалсафий қарашларининг назарий манбалари ва методологик асослари сифатида қадимги тамаддун ўчоқлари бўлган – Қадимги Миср, Бобил, Шумер, Хинд, Хитой, Араб халқлари, Шимолий Африка (Мағриб), Яқин Шарқ, Марказий Осиё халқлари ва Қадимги Юнон фалсафасига оид билимлар тизимини айтиш мумкин.

Бунга ёрқин мисоли сифатида, мутафаккирнинг “Хамса” таркибидаги достонлари, “Лисонут тайр” каби бадиий-мажозий асарлари билан бир қаторда, “Тарихи мулуки ажам”, “Тарихи анбиё ва хукамо”, “Насойимул муҳаббат” “Мажолисун нафоис” “Маҳбуб ул-қулууб”, “Вақфия” “Мухакамат ул-луғатайн” каби илмий тарихий, илмий-назарий илмий-фалсафий асосдаги асарлари келтирилган. Мутафаккирнинг “Сирожул муслимийн”, “Назмул жавоҳир”, “Арбаъин”, “Рисолайи тийр андохтан”, “Муножоот”, каби асарларида ислом фалсафасидаги борлик мавзу муаммолари уларга муносабатларнинг ахлоқий жиҳатларининг илоҳий асослари ўз аксини топган.

*Вужуд аҳлининг коми жудунг била,*

*Келиб жуд қойим вужудунг била.*

*Вужудунг қачон қилса зоҳир қидам,*

Бўлуб борча ашё вужуди адам[5.11], деган гениал пантеистик фалсафага оид байтлар билан бошланади.

Мазмуни: оламдаги барча ашёларнинг вужуди Сенинг вужудинг ва саҳоватинг туфайли пайдо бўлган. Асл вужудий қайюмлик, яъни борлик Сенгагина хос, қолган нарсалар фақат Сенинг зоҳиринг бўлиб, улар шунчаки шаклга эгадирлар. Бошқа ашёларнинг вужуди, адамга – йўқликка айланади. Сенгина мангу, қойуми мутлақ бўлиб қолаверасан, деган маънони беради.

Мусулмон Шарқида мафкура сиёсатнинг қули бўлиб қолганлиги боис, аксар ҳолларда “Ҳақ” ва “ҳақиқат” масалаларига жоҳилона ҳукм қилинган ҳоллари қўп бўлган. Бундай фожиалар баёнини Навоий асарларида ҳам кўриш мумкин. Масалан, “Насойим ул-муҳаббат”да Мансур Ҳалложни қатли билан боғлиқ ҳолатни: “Шайх Шиблий дебдурлар: улча ул деди, мен ҳам дейирман. Аммо мени телбалик қутқарди ва ани ақл ўлимга гирифтор қилди”[8.106]. Яъни, бундан шундай хулоса қилинадики, агар, Ҳаллож девона ёки телба деб топилса, у ўзини Худоман деса ҳам кечирилиши мумкин эди. Лекин, у ўжарлик қилиб мен девоналиқ ёки телбалик билан айттим демади. Ҳалложни илмда

тенгизлигини билган пешволар ва қозилар унинг шу жавобини 11 йил кутдилар. Лекин, у ўз “даъвосини” ўзгартирмади. Кейин қатл қилинди.

Халложнинг фожиали тақдирини ўз замонида, Навоийнинг ғойибона пири, салафи бўлган Хожа Аҳмад Яссавий ҳам надомат билан шундай баҳолайди:

*Билмадилар мўллолар “Анал-ҳақ” нинг маъносин,  
Қол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносаб,  
Ривоятлар битилди, ҳолин ани билмади,  
Мансурдек авлиёни қўйдилар дорга осиб,  
Ахгар қилиб қулин кўкка совурдилар,  
Тоғу тузлар “Анал-ҳақ”, деб турад эрмиши[9.]*

Бизнинг фикримизча, Шарқда ҳам Гарбда ҳам бу каби мутафаккирларнинг “гуноҳи” аслда борлиқ ҳақидаги қарашларида эмас, ижтимоий адолатсизликка қарши исёнида эди.

Алишер Навоий фалсафасида инсон борлиғи, борлиқни билиш назарияси ва онтологияга оид истилоҳлар учрайдики, улар чукур лисоний ва фалсафий таҳлил ва тадқиқ қилишни талаб қиласди. Шунингдек, мутафаккир фалсафий қарашларида фалсафанинг белгиловчи йўналишларидан бири – **онтология, гносеология, эпистемология**, яъни борлиқни билиш назариясига оид қарашлар ёрқин мисоллар билан қиёсий таҳлил қилинган.

Хусусан, “Хайратул-аброр”нинг иккинчи боби, Худо оламдаги ҳамма нарсани – осмонни, Қуёш, Ер, ҳар бир заррани, бутун ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўз юксак ақли, мўъжизали қалами (*сунъи қалами*) саховати ва меҳри билан яратгани, уни ҳаракатга келтиргани, уларни бошқариб тургани, юксак даражада бадиий-фалсафий тарзда тасвирланган[12.11-12].

Бобда, тиригу-нотирик ҳамма мавжудод, Аллоҳга ҳамд айтиши лозимлигига бағишлиланган. Бундай илоҳий талқин ва тафсир асосан Қуръони карим ояти калималаридағи оламнинг Раббийси – Аллоҳ эканлигига ишора қилиниб борилади. Хусусан, Қуръони Каримнинг биринчи сураси, “Фотиха” сурасидаги “Ҳамд оламларнинг Раббиси - Аллоҳгаким”[23.1] деган 1 оятга ишора тарзида тавсифланган.

Фалакда хокни (тупроқни) сокин қилиб, Ерни яратди. Ер ҳам шу силсилада фалак даврида (орбита) айланиб кезадиган сайёрадир. Ана шу фалак муҳити (минтақаси, координатаси) событ бўлиб, унинг марказида Ер туради, дейди:

*Айлади сокин курраи хокни,  
Сойир этиб давраи афлокни.  
Токи муҳит ўрнига афлок эрур,*

### Маркази онинг кураи хок эрур[12.13]

Яъни, коинот марказида Ер туради деб хулоса қилинган. Бу хулоса ҳозирги астрономлар, астрофизиклар таъбири билан айтганда геоцентрик назариядир[24].

Лекин, Навоий “Фарход ва Ширин”да, коинотда Қуёшнинг мақоми ва ҳаёт манбаи сифатида, бутун коинот ундан нур олади, хусусан, қора тупроқ, яъни Ер ва ундаги барча мавжудод баҳра олишига ургу беради.

Қуёшким коинот андин олур нур,

Қилур ҳар тун қаро тупроққа мастур[10.231].

“Лисонут-тайр” да:

Тўрт унсур, етти кўк олти жиҳот

Нодиру олий асоси коинот[11.122].

дайлиб, бу ерда коиноту ердаги барча ашёлар фалсафада эътироф этилган тўрт унсурдан ташкил топғанлиги, етти фалақ, яъни коинот етти табақадан иборат эканлиги, олти жиҳот – яъни оламдаги, ҳамма нарсаларни шакли олти томондан ўлчами, ҳолати ирфоний-фалсафий ифодаланган.

**Вақт** – бу фалсафанинг асосий тушунчаси бўлиб, нисбийлик назарияси бўйича, ягона вақт координатаси асосида, замон кенглигига, барча обьектларнинг мавжудлиги, ҳолати, ўзгаришлар жараёнлари, шунингдек, ўзгариши ва ривожланиши (шунингдек таназзули) кетма-кетлиги, даврининг узунлиги ўлчови билан боғлиқ тасаввурдир[37].

*Навоий наздида, замон бу – адам, азал ва абад орасидаги давр. Яъни адам даврида фақат Аллоҳ бор эди, У азалий ва боқийдир, У коинотни, оламларни яралииши билан, вақт ҳам бошланди, интиҳо, абад бўлиши, бошқача айтганда қиёмат бўлиши, оламнинг, маконнинг ва шу билан бирга вақтнинг ҳам ниҳояси(қиёмат мисолида) деб қаралган.*

“Хазойин ул-маоний”да:

*Азалдин то абад сатҳи вужудинг зарфи тўлмаским,*

*Анга не ибтидо пайдодурур, не интиҳо пайдо[17.8].*

Бу байтдаги биринчи сатрининг маъноси, Сенинг таърифингга келтирилган таърифлар ҳеч вақт лозим даражага етмаган. Бу ерда, агар Аллоҳнинг шаънига айтилган ҳамду-саноларни бир косага ўхшаган идишга солинса, у идиш ҳеч вақт тўлмаган, тўлмайди деган маънода мажозий фалсафа келтирилган.

Яна “Хазойин ул-маоний”да:

*Макон бирла замондин сўрмаким, йўқлуқда бор эрди,*

*Замон янглиғ макон анда, макон янглиғ замон анда[42.32] – дейди.*

Бу байтнинг мазмуни, - маконнинг ҳам замоннинг ҳам яралишию, мавжудлиги ҳақида сўрама, улар аввал йўқликдан пайдо бўлган, уларни, адамдан, яъни, – йўқликдан Аллоҳ ўз амри билан борлиққа, вужуд айвонига келтириди. Шундан кейин макон ва замон бир-бирига маълум мутаносиблик билан мавжуддир (номавжуддир)!?

Шу ғазалнинг давомида:

*Нишион, эйким, тиларсен ақлдин мундог нишонларни,*

*Нишион ким айтқай, ақл ўлса беному нишион анда[42.8] дейилади.*

Бу ерда фалсафий тавсиф ва таҳлил чуқурлашиб, агар ақл билан бундай сирли оламнинг нишонлари яъни хусусиятларини англаб етишга қанчалик уринилмасин, бу муаммонинг ечими мураккаб иш бўлиб, бу масалада қанча ақл эгалари ва уларнинг ақли ҳам беному-нишонлик сари кетади.

Ёки яна бир талқинда, борлиқ, яъни макон ҳам замон ҳам ўткинчи бўлганлиги туфайли беному-нишон бўлиб кетади, йўқликка айланади. Чунки борлиқдаги ашёлар хусусида фалсафий мушоҳада талабидан келиб чиқилса, улар хусусидаги ҳукм реал ҳолат ва ҳозирги замон ҳолати бўйича хуласа қилинади.

Навоийнинг олам, борлиқ билан боғлиқ, мажозий-фалсафий талқинини “Лисон ут-тайр” нинг “Фақру фано водийси сўзи” бобида кўришимиз мумкин: “Агар сен бу ҳодисага яхши назар солсанг, мавжуда вужуд йўқ эканлигини кўрасан, чунки денгиздан ўзга барчаси нобуд бўлувчиидир. Ҳақ вужуди ана шу чексиз денгиздир, унинг юзидаги мавжслар эса бу оламдаги турли-туман нарсалардир.

*Маъно аҳллари эътибор қилувчи ушибу ўн саккиз минг олам ичидаги нимаики нарса бўлса, улар шакл жиҳатидангина мавжуд бўлиб, шаклда кўринувчанлик хусусиятига эгадир.*

*Ер сатҳи узра юзлаб ажойиб шакллар мавжуд, ҳар бир шаклинг ўзи яна ранг-баранг товланишларга эга. Фараз қил: теварак-атрофда денгизлар ёки маъдан конлар, ёки дашт-саҳролар, ёки гулшанлар, ёки тўргай ва булбулларни ўзига ром этиб, уларни ҳалок қила оладиган даражадаги ранго-ранг нафис гул ва лолалар, турли иқлиmlар ва мамлакатлар, дарёлар, булоқлар ва тоғлар ҳамда уларни ўраб олган ўт ва ҳаво, балки ўт ва ҳаводан бошқа яна бир қанча нарсалар мавжуд. Булар атрофидаги тўққиз қаватли осмон, сабиту сайёра ва малаклар тўдаси бор. Улар сон-саноқсиз, балки миқдор ичра чексиз кўпдир. Ундан кўзга кўринмас даражадаги эътиборсиз юлдузлар ер жисмига ўхшаб кетади. Тўрт унсур, етти кўк ва олти томон - булар коинотнинг нодир ва энг олий асосини ташкил этади”* дейилган[43].

Ғарб фалсафасидаги жисмоний, моддий асосдаги оламни англатувчи сўз **материя дейилади** ва бу ерда оламни маънавий руҳий олам назарда тутилмайди деб алоҳида изоҳланган.

Бу ғояларни Навоийнинг “Лисон ат-тайр”, “Ҳайрат ал-аброр”, “Садди Искандарий” ва бошқа достонларида кўриш мумкин. Масалан, шоир илохиёт ва коинотнинг субстанционал бир бутунликни қўйидагича баён қиласади:

*Сен-сану сендин ўзга худ нима йўқ,  
Гар кўрунса сен улгунг ул нима йўқ.  
Ҳеч нима йўқ сен эдинг мавжуд,  
Ҳам сен ўлгунг борча бўлиб нобуд[12.15].*

Фалсафий талқинларда оламдаги барча мавжудотларнинг шаклшамойили, яъни формаси масаласи ҳам баҳсли масала эканлигини айтиб ўтиш керак. Зоро “**мавжудот**” сўзининг ўзи ўзбек тилига араб тилидаги “**вужуд**” сўзидан кириб келган бўлиб, тана маъносини англатади.

Алишер Навоий фалсафасида номоддий борлиқ билан боғлиқ тушунчалар “**ҳасти нестнамой**” – яъни, ўзи бору, лекин намоён бўлмайдиган олам тарзида қўлланган. **Жон ва рух** масаласи бадиий, айрим ўринларда тамсилий-мажозий услугуда талқин қилинган. Шунингдек, номоддий оламни – **малакут олами, руҳоният, онг, тафаккур, ақл, дарк, яъни идрок, хотирот, ишқ, илм, билим, қўнгил олами, сабр, тоқат** каби истилоҳ ва тушунчалар тарзида ифодаланган.

Алишер Навоий фалсафасида жон ва рух масаласи бадиий, айрим ўринларда тамсилий-мажозий услугуда талқин қилинган.

Хусусан, “Лисон ут-тайр” шундай бошланган:

*Жон қуши чун мантиқи роз айлагай,  
Тенгри ҳамди бирла оғоз айлагай[11.7].*

“Лисон ут-тайр”да, шунингдек, шу ғоянинг давоми сифатида: “...*Агар ҳар бир кишида ақл мавжуд бўлса, шуни билгилки, азалдан то абад бу оламдаги мавжуд барча нарсалар борлиқка эга эмас, фақат шакл кўринишига эга. Кудратли ҳақдан бошқа ҳамма нарса фоний - ўткинчидир, фақат ёлгиз Угина мутлақ боқийдир. Унга вужуд тартиби маҳкамланган бўлиб, борлиқ расми инкор этилмасдан маъқуллангандир. Ҳақдан ўзга ҳар қандай зот, фараз қилалиқ, оби ҳаёт ичган бўлса ҳам, бу оламда мутлақ ўткинчи ҳисобланади. Агар сен боқийлик истамоқчи бўлсанг, ўзингни фоний қилмогинг зарур*”, дейилган.

Навоий “Бадейиъ ул-бидоя”да, жон, рух, қўнгил, ақл-хуш, сабр-қаноат каби номоддий, яъни маънавий-руҳий мавзуларни мужассамлаштирган бир ғазалида шундай фалсафий тавсифни кўрамиз:

*Манга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо,*

*Не жонимдин асар зоҳир, не кўнглумдин нишон пайдо[26.37-38].*

Бу байтнинг мазмуни шундайки, менинг таним билан оламдаги ўрним, мақомимнинг манзилу макони йўқ. Не жоним зоҳир, яъни пайдо. Не кўнглимдан нишон бор. Бошқача айтганда, агар менинг жисмимнинг борлиқда ўрни, макони, мақоми бўлмаса, у ҳолда жониму кўнглимдан қандай нишон бўлади.

Ғазалнинг давомида:

*Хирад маҳфий, бадан фоний, кўнгул гойиб, тараб маъдум,  
Бори саҳл эрди, бўлса эрди ул номеҳрибон пайдо[26.37-38].*

Байтнинг мазмуни шуки, хирад, яъни ақл-идрок маҳфий, бадан, жисм фоний, яъни у ҳам йўқ даражада ўткинчи, кўнгил гойиб, тараб - шоду-хуррамлик йўқ. Яъни ҳиссий хусусиятларнинг ҳам номавжудлиги назарда тутилаяпти. Кейинги сатрда, шунчалик номаълумлик, мавҳумлик бўлганига яраша, кўнгилда жоннинг асл мояси – Номеҳрибон – Аллоҳ бўлса бўлгани, шундан яхшиси йўқ.

Кейинги байтда:

*Шикебу ақлу ҳуши итмиши, қарору сабру жон кетмиши,  
Не ғам, гар бўлса ул ороми руҳу қути жон пайдо [26.38].*

Мазмуни: Шикеб - сабр, тоқат ҳам ақл-хуш ҳам йўқолади, жоннинг сабр-қарори ҳам кетади. Лекин, жоннинг асл қути – манбаси бўлган – Худо кўнгилда, дилда бўлса, не ғам, дейди мутафаккир.

Шунингдек, У инсоннинг танаси, вужуди моддийлик олами бўлиб, унинг **кўнгли ва руҳияти малакут оламига дохил** деган таъриф беради.

Бу хусусда “Ҳайратул-аброр”да алоҳида боб ажратилган бўлиб, унда Куръондаги “**фазкуруни мазкурукум**” яъни мени эсга олинлар, ёдланглар, мен ҳам сизни ёдга оламан”, деган муқаддас калом билан асосланган бўлиб, **кўнгил ва хотира Оллоҳнинг инсонга инъоми** сифатида талқин қилинган.

Ана шундай хусусиятларга муносабат ўлароқ, Навоий “Хазойин ул-маоний”да

*Сени топмоқ басе мушкулдуур, топмаслик осонким,  
Эрур пайдолигинг пинҳон, vale пинҳонлигинг пайдо[17.400].*

Номоддий олам мўжизалари ҳисобланган – инсондаги жон, рух, онг, тафаккур, ишқ, рашқ, табиатдаги, борлиқдаги олов, ҳаво қудрати ва мўъжизаси воситасида моддий оламдаги оламшумул ўзгаришлар қилинади.

Навоий “Рух ул қудс”да: (У инсон) мазҳари қулл (барча инсонлар ўзида зоҳир қилувчи вужуд)га айланди, сўнгра Аллоҳ яратган нарсалар ичида унга олами кубро (кatta олам) деб лақаб (ном) берилди, дейди[27.211]. Яъни бу ерда, Навоий инсоннинг ўзи ва кўнглини, руҳияти, онгидা, тафаккурида бутун олам хақида кенг тасаввур ва фикрат оламини, оламу кубро деб таърифлаган.

Кўнгил масаласида “Ҳайратул-аброр”да шундай дейилади:

*Солик ани арии муалло деди,  
Сўфи ани олами кубро деди.* [12.73].

Насойим ул-муҳаббат” асарида, машҳур мутасаввуф олим Муҳаммад Ғаззолий асарлари таҳлилида унинг фалсафий қарашлари, хусусан, борлик фалсафасига оид фикрларини, жумладан, моддий ва номоддий борлик тафсилотига қаратилган қуйидаги парчани келтиради.

*“...Рұх ҳасты нестнамойдурки, киши анга йўл топмас ва сultonи қоҳир ва мутасарриф улдур. Қолиб анинг асиру бечорасидир. Ҳар не кўрсалар қолибдин кўрарлар ва қолиб андин бехабар; барча оламга олам қайюми била ушбу мисолдурки, олам қайюми “ҳасты нестнамойдур”ки олам зарротидин ҳеч заррага вужсуд ва қивом ўзи била эмас. Балки, Анинг қайюмлиги биладур. Ва ҳар нимани қайюми заруратки, ул нима биладур, вужсуди ҳақиқий ангадир ва муқаввим вужсуди андин орият важҳи била (Сизлар қаерда бўлсангиз, у сиз билан биргадур) будур ва лекин, бирорким майиятни (бу ерда жисмнинг асли) билмагай, илло жисм майиятини жисм била ё араз (бирор нарсанинг асли бўлмай, кейин пайдо бўлган вақтли сифати) майиятини араз била ё араз майиятини жисм била ва бу учаласи олам қайюмига маҳолдир. Бу майиятни фаҳм қила олмагай ва қайюмият майияти тўртинчи қисмдир балки майият ҳақиқат юзидин будур ва бу даги ҳасты нестнамойдиур. Аларки, бу майиятни билмагайлар, қайюмни тилагайлар ва топмагайлар[8.250].*

Навоий ўзигача бўлган мутафаккирлардан Имом Ғаззолий таълимотида оламнинг яралиши ибтидоси мавжудлиги ва интиҳосига оид қарашларини ўз қарашларида давом эттиради. Гарчи унинг даврида муаммо ваҳдатул вужуд тарзида айтилмаган бўлсада, айнан, моддий ва номоддий борлик, уларнинг *ваҳdonият* яъни бирлик, умумийлик тарзида талқини бор эди [8.519].

Ғаззолий хусусида айнан шу фикр ва маълумотлар Навоий асарларида Хусусан, унинг, “Насойим ул-муҳаббат”ида борлигини кўрдик. Зеро “Миллий Қомус”даги маълумотлар, Навоий каби олимлар қолдирган мерос асосида шаклланган.

Бизнинг фикримизча, Навоий Ғаззолийнинг борлик фалсафасига оид қарашлари хulosаларини тахминан қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- Навоий ҳам Ғаззолий каби маърифий ислом тарафдори эди ва айнан шу жиҳатини қадрлаган. Олам ва ашёлар табиатини илм-маърифат, ақл-заковат воситасида ўрганиб, хulosha қилиш лозимлигини уқтиради;

- руҳ номоддий асосда, у Аллоҳга доир бўлгани учун, уни ақл билан англаш мумкин эмас;

- ашёларнинг фақат қолипини (форма – шакл-шамойили) кўрамиз, лекин, қолип руҳдан бехабар;

- Оламда биз кўриб турган ашёлар ҳақиқий олам эмас уларнинг руҳидир, ҳақиқий борлиқ(кивомлик, қайюмлик) Оллоҳга хосдир;

- Ашёлар табиатидаги унсурларнинг моддийси ва номоддийси – **ҳасти нестнамой ва нести ҳастнамойга бўлиниши**;

Бу охирги масалани номоддий борлиқ мавзусида айтиб ўтган эдик.

Алишер Навоий ваҳдатул вужудни ёқлаган ва уни маърифий талқини тарафдори бўлганилигини кўриш мумкин. Лекин, маърифат йўлидан тоймаган айрим мутафаккирларни жоҳилияят қурбони бўлганини афсус билан айтиб ўтади. Албатта, унда “ваҳдат”, “ваҳдония”, “аҳад” каби исломий, тасаввуфий истилоҳлар, Оллоҳнинг ягоналиги, бутун оламнинг ягона жавҳари, моҳияти, асоси эканлиги Навоийда иймон даражасида эътироф этилган. У “Ҳайрат ул-аброр”да:

Ваҳдати зотига қуёшдек тонук,  
Заррадин афзуну қуёшдин ёруқ[12.9].

Яъни, Сенинг ягона зот эканлигинг, оламнинг бутунлиги фақат Сенга боғлиқлиги қуёшдек равshan, улар заррадан ҳам кўп ва қуёшдан ёруғ. Бошқача айтганда, Сенинг вужудинг зарралардан тортиб, қуёшдек улкан сайёralар ҳам Сенинг вужудингдир ва улар бир бутунликни ташкил этиши кундек равshan дейилган. Бу эса ваҳдоният маъносини беради.

Бирлик эдию адади йўқ эди,  
Бирдин ўзга аҳаде йўқ эди[12.15].

Бу байтда ҳам Навоий, Ўзинг аслда Яккасану, лекин, оламдаги сени иноятинг бўлган ашёларнинг адади, яъни сону-саноғи йўқ, Ўзинг Аҳадсан – Яккасан, Сенинг шеригинг йўқ, дейди.

Эй бори мавжудға сендин вужуд,  
Балки вужуд аҳлиға файёзи жуд[12.17].

Бу ерда, оламдаги ҳамма нарсада Сенинг вужудинг бор, бутун мавжудодга сахийлик вужуд билан файз бергансан. Яъни, оламдаги барча ашёларнинг ҳам жисми ҳам мазмуни ва файзисан деган маъно ётибди.

Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,  
Борчаға холик, бориға айн ўзунг[12.14].

Оламнинг ибтидоси, ҳамма нарсанинг мояси Сенсан, ироданг билан уларни турли вақт ва замон мобайнинда мавжудлиги ҳамда поёнига етказувчи ҳам Ўзингсан, барчани Холики (халқ қилучи, яратувчи, ясовчи), манбаъси айнан Ўзингсан.

Навоий ҳамма асарларининг бошланиши анъанавий Оллоҳ ҳамдига бағишлиланган бўлиб, уларда оламни ва борлиқни яратилиши билан боғлиқ пантеистик асосга эга. Жумладан, “Садди Искандарий”да,

Вужуд аҳлининг коми жудунг била,  
Келиб жуд қойим вужудунг била.

Маъноси: барча мавжудликларни коми (коми мурод-олий мақсад) сенинг саховатинг туфайли. Аслда уларда сени қойим вужудинг ва саховатинг борлиги туфайли улар бордир. Асл қойимлик Сенга хос.

Вужудунг қачон қилса зоҳир қидам (қадим),  
Бўлуб борча ашё вужуди адам[5.3].

Маъноси: азалда Сенинг вужудинг зоҳир бўлиши билан, барча ашёлар адамдан, яъни йўқлик оламидан вужуд (борлиқ) оламига келишди.

Тасаввуф йўллари, улар ўртасидаги ғоявий, фалсафий фарқлар ва ихтилофлар жараёнлари тарихи, уларда борлиқ билан боғлиқ муаммолар таҳлили, профессор Ш.Сирожиддиновнинг илмий монографиясида анча холис, илмий-маърифий тарзда тадқиқ қилиб, хуносалар берилган[34.31-36].

**“Нақлий илм” ва “ақлий илм”**га муносабат ҳам тасаввуф илмларида турлича ёндашилди ва талқин қилинди[34.70-70]. Афсуски, ҳозирги кунларимида ҳам ақлий билимни рад этиб, нақлий билимларга ёпишиб олиш ҳолатлари устуворлик касб этаяпти. Албатта бу ўринда, догма даражадаги ва жўн ақидаларга ёпишиб олиш назарда тутилмоқда. Масалан фан-техника ва бошқа самарали илмий манбалар ўрнига ҳали ҳам ирим-сириларга, фолбинга, сохта табибларга ишониш, ҳатто эътиқод даражасига олиб чиқадиган сохта чорловлар қилиш бунга мисолдир.

Навоий ҳам гарчи ҳамма тадбирларни маърифий ва илм тарозусида ўлчаган ҳолда хукм чиқариш тарафдори бўлсада, борлиқни бидояти Оллоҳ эканлигини рад этиш уни ҳам кечирмас эди.

Навоий “Лисон ут-тайр”нинг дебочасида:

Улки маҳлукот халлоқидур ул,  
Ондин ўзга фонию боқийдур ул.  
Сониеъким чекти чун сунъи қалам,  
Офариниш тарҳини қилди рақам.  
Айлагач дойир тўқуз афлокни,  
Қосир этти фаҳмидин идрокни[43].

Навоий “Лисон ут-тайр”да, “ўз”га (ўзлик, киши, ҳар бир инсон) “У”лик билан мансуб бўлмоғи керак. Шунда бу ҳар қандай сўз айтса, “У” дегандек бўлади, яъни “бу” лик ва “У” лик ўртадан кўтарилади, дейди. Бу мажозий ҳикматнинг маъноси ваҳдат - бирликни билдиради. Унинг бош ғояси - ваҳдати

вужуд (вужуд ягоналиги) ва тажаллий (асл моянинг оламдаги зухуроти) Алишер Навоий маънавий ҳаётининг мағзини ташкил этди. Буни атрофлича тадқиқ этишни “Лисон ут-тайр” фалсафасини тушунтиришдан бошлаган маъқул кўринади. “Фарҳод ва Ширин”да:

Ажаб суратки бир наққоши мохир,  
Бўлур юз навъ сурат бирла зоҳир  
Шуҳуди ақл даркидин мубарро,  
Вужуди дарк (идрок)шуъбидин муарро[10.10].

Шуҳуди (*кўриши, мушоҳада*) ақл даркидин мубарро (идрок қилиб бўлмайди),

Нишони бенишонлиқдин йироқроқ,  
Макони бемаконлиқдин қироқроқ.  
Азалдин беҳад ошиб ибтидоси,  
Абаддин асрุ тошиб интиҳоси[10.11].

Бу сатрларда ҳам, Аллоҳ бутун моддий, номоддий оламнинг ибтидоси, асосий жавҳари, мояси эканлиги ифодаланган. Шунингдек, макони бемаконлиқдан қироқроқ, яъни исломий таълимотда ломакон, макондан ташқарида каби масалалар бадиий тарзда, бу мўъжизотлар ақл билан англаб етиб бўлмайдиган илоҳий асрорлиги айтилади.

Илоҳий, андаким йўқ эрди будум,  
Адам уйқусида эрди вужудум[10.13].

Бу байтнинг мазмуни: инсонни, инсониятнинг яратилиши ҳам Оллонинг инояти билан “Адам”, яъни йўқлик уйқусидин, вужуди ва руҳи пайдо бўлганига ишора қиласи.

## ХУЛОСА

Алишер Навоийнинг борлиққа оид қарашлари хусусиятлари, мавзуни тадқиқ этган мутахассисларнинг фикрларига асосланниб қўйидаги хуласаларга келинди:

Навоий қарашларида бутун коинот, макон ва ундаги ҳамма мавжудод каби вақт ҳам Оллоҳнинг иродасига боғлиқ, У оламни йўқликдан яратганда вақтни ҳам яратганлиги таъкидланган. У йўқликни адам, Оллоҳ оламни ятатишини азал, оламни йўқликка маҳкум бўлишини абад деб, ана шу азал билан абад орасидаги давр оқимини замон, вақт деб баҳолаган.

Навоий фалсафасида борлиқнинг яралиши ва келажаги билан боғлиқ қарашлар тизими ўта юксак ахлоқ фалсафасига асосланганлиги унинг тасаввуфий қарашларида мужассам. Навоий тасаввуф йўллари жуда бир-бирига қарама-қарши, ихтилофли эканлигини таъкидлаб, ўзининг тасаввуфий

қарашларини содда, оддий инсоний мақомда, яъни тасаввуф инсонда маънавий ахлоқий тарбия йўли эканлиги таърифлаган.

Навоий фалсафий қарашлари заминида ваҳдатул вужуддаги “ҳамма нарса У” мақомидан қараганда, мутафаккир бутун коинот олам, зарраларгача Унинг вужуди дейди. Шу билан бирга, олам яралишидан олдин, яъни адам даврида Оллоҳдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди, Оллоҳ ярал деди оламу, ашёлар яралди, вужудга келди деган қарашларидан келиб чиққанимизда “ҳамма нарса Ундан” позициясига ҳам яқин турганлигини айтиш мумкин. Яъни, адаб дуалистик позицияда бўлган.

Навоий онтологик фалсафасининг узвий қисми бўлган антропоген йўналишда инсон бутун коинотни меҳбари, гултожиси деб баҳоланган, яъни инсон фалсафаси Навоий фалсафасининг гултожиси дейиш мумкин.

Навоий, Оллоҳ бутун коинотни, коинот ва Ердаги барча неъматлар, хазиналарни яратишдан олий мақсади – инсонни яратиш эканлигини таъкидлайди. Оламдаги борлиқнинг гўзаллиги ва бойликларидан бошқа жонзоду, мавжудод инсон сингари баҳраманд бўлолмайди, чунки бошқа мажудодлардан фарқли равишда инсонга хос олам ашёларини билишда сезги органлари, онг, тафаккур, кўнгил, ишқ, идрок, зеҳн, фаросат ва тил каби башарий фазилатларини илоҳий ва маърифий жиҳатларини моҳирона тавсифлаган ҳамда шу зайлда ўз фалсафий услубига хос билиш назариясини яратган.

Навоийнинг борлиқ фалсафасида Ислом фалсафасидаги ваҳдатул вужуд таълимотининг “ҳамма нарса Ундандир” ва “ҳамма нарса Удир” қарашлари тизимининг иккисига ҳам мойилликни кўриш мумкин, яъни дуалистик позициясида эканлигини шунингдек, нафақат тасаввуф таълимотлари, балки, қадимги, шарқнинг Ҳинд, Хитой ва Юнон фалсафий таълимотларини исломий талқинда ифодалashi ундаги маърифий ва плюралистик ёндашув эканлиги хусусида холоса қилинади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Belin F.A. “Notice biographique et littéraire sur Mir Ali-Chir Nevaii, suivie d’extraits tirés des œuvres du même auteur”. Premier article // Journal Asiatique. № 17. 1861. P.175-256; Belin F.A. “Notice biographique et littéraire sur Mir Ali-Chir Nevaii, suivie d’extraits tirés des œuvres du même auteur”. Deuxieme article // Journal Asiatique. № 17. April-May, 1861. P.281-357. Манбаларни таржима қилиб, умумлаштириб, “Мир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид қайдлар” номи билан нашрга тайёрловчи - Афтондил Эркинов. Марказий Осиё ренесанси журнали. 2021. Махсус сон. -Б. 7-33.

2. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр (насрий баёни) Ғофур ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, -Тошкент, 1974. –Б.145.
3. Навоий Алишер. Садди Искандарий. - Т: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. –Б.288.
4. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 10 т. Хамса: Сабъаи сайёр. - Тошкент: “Фан”, 1992. –Б.7-34.
5. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 11 т. Хамса: Садди Искандарий. - Тошкент: “Фан”, 1993. – Б. 11.
6. Навоий Алишер. Лайли ва Мажнун. Насрий баён. -Тошкент: “Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1990. –Б.114.
7. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 9 т. Хамса: Лайли ва Мажнун. - Тошкент: “Фан”, 1992. – Б. 7.
8. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 17 т. Насойим ул-муҳаббат. - Тошкент: “Фан”, 2001. –Б. 106.
9. Аҳмад Яссавий. <https://e-tarix.uz/shaxslar/405-ahmad-yassaviy.html>
10. Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 8 жилд. - Тошкент: “Фан”, 1991. – Б. 122. Яна қаранг “Вақфия” МАТ: 20 жилдлик, 14 жилд. -Тошкент: “Фан”, 1998. – Б. 233.
11. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 12 т. Лисонут-тайр. Т.: “Фан”, 1996. – Б. 167.
12. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 7 т. Хамса: Ҳайрат ул-аброр. - Тошкент: “Фан”, 1991. – Б 332.
13. Алишер Навоий: қомусий луғат. 1 жилд. – Тошкент: “Шарқ”, 2016. – Б. 55.
14. АНАТИЛ. 4 жилдлик, 2 жилд. - Тошкент: “Фан”, 1983. –Б. 184.
15. АНАТИЛ. 4 жилдлик, 4 жилд. – Тошкент: “Фан”, 1983. –Б. 212.
16. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 15 т. Назм ул-жавоҳир. - Тошкент: “Фан”, 1999. – Б. 123-181
17. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 4т. Ҳазойин ул-маоний: Наводир уш-шабоб. - Тошкент: “Фан”, 1989. –Б.402.
18. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 14 т. Вақфия. - Тошкент: “Фан”, 1998. – Б. 231-270.
19. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 14 т. Маҳбуб ул-қулуб. - Тошкент: “Фан”, 1998. –Б. 302.
20. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик, 1жилд. – Тошкент: “Фан”, 1983. –Б. 555.
21. Навоий Алишер. Ҳазойин ул-маоний. 20 жилдлик МАТ. – Тошкент: “Фан”, 1991. –Б. 118.
22. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Munir” нашриёти, 2021. – Б. 1.

23. Геоцентрическая система мира. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
24. Navoiy Alisher. Lisonut-tayr. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.
25. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 1т. Бадоевл-бидоя. – Тошкент: “Фан”, 1987. – Б. 37-38
26. Навоий. А. МАТ: Рух ул-кудс. 20 жилдлик, 20 жилд. - Тошкент: “Фан”, 2003. – Б. 211.
27. Беруний. Ҳ. Ибн ал-Арабий Шайхи акбарми ё Шайхи акфарми?! <https://ahlisunna.uz/ibn-arabiy-haqida/>
28. Холмуминов Ж. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва унинг Нақшбандия таълимотига таъсири (Ибн-ал-Арабий, Муҳаммад фарсо ва Абдураҳмон Жомий қарашлари асосида). Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати. - Тошкент, 2020. – Б. 64.
29. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. <https://islom.uz/maqola/1186>.
30. Комилов. Н. Тасаввуф. “MOVAROUNAHR”, “O’ZBEKISTOT” NMIU, 2009. – Б. 448.
31. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.
32. Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1993. – Б. 18-20.
33. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари / Монография. - Тошкент: «Янги асрравлоди», 2011, - Б. 10-11. Сирожиддинов Ш. Жомий ва Навоийнинг суфийликка қарашлари // Навоий дунё шарқшунослари нигоҳида – мавзуидаги Халқаро конференция илмий тўплами. – Т.: ТДШУ, 2021. – Б. 31-36.
34. Норов.Т. Алишер Навоий онтологик қарашларининг фалсафий-концептуал таҳлили. Фалсафа фанлари доктори(DSc)даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд – 2022. 244 б. Адабиётлар диссертация ўрганилиш даражаси ва адабиётлар рўйхатида берилган.
35. Клерикализм. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
36. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
37. Утопия. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
38. Метафизика. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
39. АНАТИЛ. З жилд. – Тошкент: “Фан”, 1983. – Б. 126.
40. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 16 т. Мезон ул-авзон. - Тошкент: “Фан”, 2000. – Б. 43.

41. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 6 т. Хазойин ул-маоний: Фавойид ул-кибар. - Тошкент: “Фан”, 1990. –Б. 32.
42. Navoiy Alisher. Lisonut-tayr. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.
43. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
44. <https://www.google.com/>
45. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ibn-al-arabiyy-uz/>
46. <http://kh-davron.uz/kutubxona/islomiy-adabiyot/tasavvuf/najmuddin-komilov-tasavvuf-8-vahdatul-vujud-va-vahdatush-shuhud.html>
47. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
48. [https://ahlisunna.uz/ahmad\\_as-sirhindiyy/](https://ahlisunna.uz/ahmad_as-sirhindiyy/)
49. Умаржонов, С. С. Ў. (2022). Онтологияда субстансия ва аксиденсияга доир таълимотнинг Фахриддин розий томонидан ривожлантирилиши. Academic research in educational sciences, 3(3), 961-968.
50. Умаржонов, С. С. Ў. (2022). Фахриддин Розийнинг материя ва шакл, шакл ва мазмун, сабаб ва оқибат ҳақидаги онтологик таълимоти. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 23), 249-258.